

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 404-ҳадис

404 - عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو، قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، يَسْتَأْذِنُهُ فِي الْجِهَادِ فَقَالَ: «أَحْيِي وَالِدَاكَ؟» قَالَ: تَعَمُّ، قَالَ: «فَفِيهِمَا فَجَاهِدْ».

[خ 3004، م 2549، ت 1671، س 3103، د 2528، جه 2782].

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Бир одам Набий соллаллоху алайҳи васалламдан жиҳодга бориш учун изн сўраб келди. У зот: «**Ота-онанг тирикми?**» дедилар. «Ҳа», деди. «**Унда улар** (ҳаққини адо қилиш) **йўлида жиҳод қилгин**», дедилар».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насай, Абу Довуд ва Ибн Можса ривоят қилишган.

Изоҳ: «Жиҳод» сўзи луғатда «бор имкониятни сарф қилиш», «бор-будини ишга солиш» деган маъноларни билдиради. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг «Улар хусусида жиҳод қил», деганлари «Бор имкониятингни ота-онангни рози қилишга қарат», деган маънони билдиради.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
HUBUVVAT MARVIQLARI

